Ижобий фикр билдирилган
АУДИТОРЛИК ХУЛОСАСИ

«NAVRO'Z DEHQON BOZORI» aksiyadorlik jamiyati раҳбариятига

Мен Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 16.03.2009 йилда берилган 00463–сонли Литсензия асосида аудиторлик фаолиятини амалга ошириб келаётган «ДИПЛОМАТ–АУДИТ» аудиторлик ташкилоти (Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Ниёзбек йўли кўчаси 1–уй, СТИР 204078701, ИФУТ 69202, х/р: 20208000104191729001 ХАТ «ДАВР БАНК» Учтепа филиали, МФО 01086) директор вазифасини вақтинча бажарувчи З.Қ.Боймирзаев (ЎзР МВ томонидан 02.05.2015 йилда берилган №05312 Аудитор малака сертификати) хўжалик юритувчи субъект «NAVRO'Z DEHQON BOZORI» aksiyadorlik jamiyatининг «Бухгалтерия баланси» 1–шакл, «Молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот» 2–шакл, «Пул оқимлари тўғрисида ҳисобот» 4–шакл ва «Ўз сармояси тўғрисида ҳисобот» 5–шаклдан иборат 31.12.2018 йил ҳолатидаги молиявий ҳисоботининг ишончлилигини мажбурий аудиторлик текширувидан ўтказдим.

Хўжалик юритувчи субъект раҳбариятининг жавобгарлиги

Хўжалик юритувчи субъект раҳбарияти бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ молиявий ҳисоботнинг тайёрланиши ва ҳаққонийлиги, ҳамда ички назорат тизими учун жавобгардир.

Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги

Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги ўтказилган аудиторлик текширувига асосан ушбу молиявий ҳисобот юзасидан фикр билдиришдан иборат.

Мен «NAVRO'Z DEHQON BOZORI» aksiyadorlik jamiyatининг илова қилинган молиявий ҳисоботини аудиторлик текширувидан ўтказдим. Аудиторлик текшируви молиявий ҳисобот ва бошқа молиявий ахборотлар барча муҳимлилик жиҳатлари бўйича бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқлиги ва ҳаққонийлигини баҳолашдан иборат.

Мен аудиторлик текширувини Аудиторлик фаолиятининг миллий стандартларига мувофиқ ўтказдим. Ушбу стандартлар молиявий ҳисобот жиддий бузиб кўрсатишларга эга эмаслигига етарли даражадаги ишончга эга бўлишни таъминловчи аудиторлик текширувини режалаштиришни ва ўтказишни тақозо этади.

Аудиторлик текшируви аудиторлик далилларини олишга йўналтирилган аудиторлик амалларини ўтказишни ўз ичига олади. Аудиторлик амалларини танлаш бизнинг мулоҳазамизнинг предмети ҳисобланади.

Аудиторлик текшируви давомида олинган аудиторлик далиллари молиявий ҳисобот ишончлилиги тўғрисида фикр билдириш учун етарлича асослар беради деб ҳисоблаймиз.

Ижобий фикр

Менинг фикримча хўжалик юритувчи субъект «NAVRO'Z DEHQON BOZORI» aksiyadorlik jamiyatининг 2018 йил 31 декабр ҳолатидаги молиявий ҳисоботи барча муҳимлилик жиҳатлари бўйича унинг молиявий ҳолатини ва молиявий-хўжалик фаолияти натижаларини ҳаққоний акс эттиради ва бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ келади.

Аудиторлик ташкилоти раҳбари Боймирзаев З.Қ.
(фамилияси, имзо)

11.03.2019 йил. М.Ў.

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI TOSHKENT SHAHAR YUNUSOBOD TUMANI SHAKLIDAGI MAS'ULIYATI CHEKLANGAN JAMIYAT TASHKILOTI AUDITORLIK "DIPLOMAT-AUDIT"